

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РУХИЙ САЛОМАТЛИК
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.16.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСЕРБАЕВА РОЗА КУРАЛБАЕВНА

**БОЛАЛИК ДАВРИДА ФОБИК ХАВОТИРЛИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ КЛИНИК ВА
ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАР**

14.00.18 – Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Усербаева Роза Куралбаевна

Болалик даврида фобик хавотирли бузилишларининг
ривожланишига таъсир этувчи клиник ва ижтимоий
омиллар..... 3

Усербаева Роза Куралбаевна

Клинико-социальные факторы, влияющие на
развитие фобических тревожных расстройств
в детском возрасте..... 27

Userbaeva Roza Kuralbaevna

Clinical and social factors influencing the development
of phobic anxiety disorders in
childhood..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 54

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РУХИЙ САЛОМАТЛИК
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.16.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСЕРБАЕВА РОЗА КУРАЛБАЕВНА

**БОЛАЛИК ДАВРИДА ФОБИК ХАВОТИРЛИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ КЛИНИК ВА
ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАР**

14.00.18 – Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2024.4.PhD/Tib5185 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.mentalhealthcenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ашуров Зарифжон Шарифович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Абдуллаева Василя Каримбековна тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдуллажанова Шахло Джурахановна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2026 йил «___» _____ кунини соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 102147, Тошкент вил., Қибрай тумани, Салар қ. Тел: (078) 150-79-34, 150-78-95. Факс: 150-78-94, e-mail: mentalhealthcenteruz@mail.com).

Диссертация билан билан Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 102147, Тошкент вил., Қибрай тумани, Салар қ. Тел.: (078) 150-79-34, 150-78-95. Факс: 150-78-94

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

У.Х. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

И.И. Хайрединова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Ф.Ш. Бахрамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Хавотирли бузилишлар болаларда руҳий касалликларнинг энг кенг тарқалган гуруҳи бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...10-14 ёшда 4,1% гача ва 10-15 ёшда 5,3% гача ўсмирларда хавотирли бузилишлар кузатилади»¹. АҚШ касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш маркази маълумотларига кўра, 2022-2023 йилларда 3-17 ёшдаги болаларнинг 11 фоизига хавотирли бузилиш ташхиси қўйилган ва 12-17 ёшли ўсмирларнинг 20 фоизи сўнгги икки ҳафта ичида хавотирланиш аломатларини ҳис этганликларини билдирган. Фобик хавотирли бузилишлар болалар ва ўсмирларнинг кундалик фаолиятни, ўқув ва ижтимоий мослашувни сезиларли даражада издан чиқариш билан биргаликда ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаса, сурункали кечишга олиб келади. Болалар ва ўсмирларда фобик хавотирли невротик бузилишларнинг клиник патохарактерологик хусусиятларини, ижтимоий-психологик омилларини, хавотирли бузилишлардаги шахс хусусиятлари муаммо сифатида эътироф этилиши мазкур касалликда самарали тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги мазмундаги назарий ва амалий илмий изланишлар олиб боришнинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болалар ва ўсмирларда хавотирли бузилишларга олиб «хавф» омиллар ва триггерларни аниқлаш, хавотирли бузилишлари бўлган болалар ва ўсмирларда касалликни самарали даволаш ва сурункали кечишининг олдини олиш учун даволаш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, болалар ва ўсмирларда фобик хавотирли бузилишлар клиник кўриниши, динамик хусусиятлари, ривожланиши, кечиши ва прогнозига таъсир этувчи клиник, ижтимоий ва психологик омилларни ўрганиш, олинган натижалар асосида профилактика, даволаш ва сурункали кечишининг олдини олиш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни устувор даражада амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамалакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатидан ривожлантириш, жаҳон талабларига мослаш, хусусан руҳий саломатликни муҳофаза қилиш соҳасида, айниқса, болалар ва ўсмирларга нисбатан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...руҳий ҳолат бузилишларини эрта аниқлаш, уларга ташхис қўйиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни даволаш сифатини ошириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда болаларда ижтимоий ва клиник омилларни инобатга олган ҳолда хавотирли бузилишларни эрта аниқлаш ва даволаш тактикасини муқобиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар, шунингдек, комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти. 2025 йил 1 сентябрь. *Психическое здоровье подростков.*

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 19 июндаги ПҚ-196-сонли «Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 7 декабр ПФ-88-сон «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3606-сон «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 13 феврал ПҚ-4190-сон «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2023 йил 19 июн ПҚ-196-сон «Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда болалик давридаги фобик хавотирли бузилишларни эрта аниқлашнинг самарли усулларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда болалар ва ўсмирларда хавотирли бузилишларни самарали даволаш, сурункали кечиши ва бошқа асоратларининг олдини олиш бўйича чора тадбирларни қайта ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга замонавий психиатрия амалиётида катта эътибор қаратилмоқда. Россиялик олимлар томонидан қатор тадқиқодлар болалик давридаги хавотирли бузилишларнинг клиник-психологик таҳлилининг атрофлича ўрганишга қаратилган (И.И. Иванов, П.П. Петров, 2021). Кўплаб тадқиқодлар болалар ва ўсмирларда хавотирли-фобик бузилишларнинг шаклланишида ирсиятнинг ҳиссасини ўрганишга (Л.В. Серебрякова, Ю.В. Краева., 2024) бағишланган бўлса, яна бир қатор олимлар хавотирли-фобик бузилишлари бўлган 7-11 ёшли болаларда ота-она муносабатларининг эмоционал компонентининг хусусиятлари ўрганган (Ю.П. Замышляева, Ю.Е. Куртанова, 2024).

Хавотирли бузилишларнинг ривожланиши билан боғлиқ омилларни ўрганиш юзасидан жаҳон нуфузли олимлари томонидан кенг қамровли тадқиқодлар олиб борилган. Жумладан, болаларда ижтимоий фобик хавотир ривожланишининг хавф омили сифатида болалик даврида хулқ-атворнинг қатъий назоратга олинishi бўйлама тадқиқот натижасида (G.L. Luis-Joaquin, E.F. Lourdes, M.M. José, 2020) ўрганилган. Шунингдек, генетик мойиллиги бўлган болаларда ижтимоий фобик бузилишлар ривожланишининг оилавий омилларнинг аҳамияти катталиги (С.М. Olson, 2021) аниқланган.

Ўзбекистонда олиб борилган илмий тадқиқотларда олимлар томонидан болалик даврида фобик хавотирли бузилишларнинг кечиши ва даволаш чора тадбирларининг ўзига ҳослиги ўрганилган. Жумладан, соматик сурункали касалликлар фонида ривожланган хавотирли бузилишларнинг (Ф.К. Шарипова, К.Б. Султанова, 2022) болалар ва ўсмирларда кечишининг

ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Замонавий маҳаллий илмий ишлар болалар ва ўсмирлардаги инқирозли ва аффектив ҳолатларда оиланинг психопатологик белгиларни сақлаб қолиш ёки камайтириш ролини ҳисобга олиб, оилавий муҳитни соғломлаштиришга йўналтирилган психотерапевтик ёндашувлар ишлаб чиқилган (А.В. Рогов, В.К. Абдуллаева, Т.Б. Ирмухамедов, 2024).

Дунёда болалик ва ўсмирлик даврида фобик хавотирли бузилишларни келтириб чиқарган омилларни муваффақиятли бартараф этиш, фобик хавотирли болаларга ёрдам кўрсатиш тавсияларини такомиллаштиришга қаратилган, жумладан: хавотирли фобик бузилишларнинг клиник хусусиятлари, кечишига таъсир қилувчи конституционал-биологик, ижтимоий-психологик омилларини илмий асослашга қаратилган тадқиқодлар долзарб бўлиб, илмий-амалий, тиббий ва ижтимоий аҳамиятини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012300283 «Қарамлик ва руҳий бузилишларни олдини олиш, ташхислаш, прогнозлаш ва даволаш мезонлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болалик даврида фобик хавотирли бузилишларнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар мажмуасини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болалик давридаги фобик хавотирли бузилишларнинг клиник хусусиятларини ўрганиш;

болалик даврида фобик хавотирли бузилишларнинг ривожланишида конституционал-биологик, ижтимоий ва психологик омилларнинг ролини аниқлаш;

болаларда фобик хавотирли бузилишлар симптоматикасининг динамикаси ва ижобий клиник натижа эҳтимолини белгиловчи омилларни таҳлил қилиш;

фобик хавотирли бузилишлари бўлган болалар ва ўсмирларни эрта ташхислаш ва даволаш алгоритмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳар болалар психоневрология маркази ва Учтепа тумани марказий поликлиникасида 2022- 2024 йилларда даволанган 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 178 нафар болалар ва ўсмирлар жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида фобик хавотирли бузилиши бўлган болаларнинг клиник-анамнестик, ижтимоий-психологик, клиник-психопатологик ва динамик хусусиятлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, клиник-катамнестик, экспериментал-психологик, статистик, тиббий-статистик ва сўровнома усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларнинг ота-оналари ва яқин қариндошлари билан қониқарсиз муносабатларнинг яққоллиги, катталардан қўллаб қуватлашнинг етишмаслиги

ва муаммолардан қочиш хулқининг устунлиги болалик давридаги фобик хавотирли бузилишларнинг ривожланиши билан боғлиқлиги исботланган;

болалардаги юқори нейротизм ва холерик темпераменти, оилавий тарбиянинг гиперпротектив турлари билан биргаликда фобик хавотирли бузилишлар ривожланиши билан боғлиқлиги асосланган;

болаларнинг преморбид хусусиятлари, оила ва мактаб хавф омилларининг мавжудлиги, ҳамда ижтимоий ҳолатини таҳлил қилиш асосида касалликнинг сурункали кечиш хавфини табақалаштириш мумкинлиги аниқланган;

болаларда хавотирли фобик бузилишларни эрта аниқлашда клиник-ижтимоий, хулқ-атвор скрининги ва аниқланган динамик аҳамиятга эга омилларни бартараф этиш ёрдамида касалликнинг сурункали кечишининг олдини олишга қаратилган даволаш алгоритми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болалик давридаги фобик хавотирли бузилишларнинг клиник кўринишида асосий ўринни турғун соматик белгилар ва ижтимоий мослашувчанликнинг бузилиши ташкил этиши, нисбатан кичик ёшда кўпроқ турли оғриқлар ва уйқу бузилишлари билан, катта ёшдаги болаларда вегетатив асаб тизими бузилишлари билан тавсифланиши аниқланган;

болалик даврида фобик хавотирли бузилишларнинг шаклланишини белгиловчи конституционал-биологик, ижтимоий ва психологик хавф омиллари ва касалланишнинг клиник даражаси ўртасидаги алоқадорлик аниқланган;

болаларда фобик хавотирли бузилишларнинг сурункали кечишининг олдини олиш мақсадида касаллик кечиши турларини белгилаб берувчи детерминантлар, жумладан оила ва мактаб муҳитидаги муносабатлар сифати, шунингдек бола шахсининг преморбид шаклланган хусусиятлари таъсирини аниқлашга қаратилган ёндашув ишлаб чиқилган;

болалар руҳий саломатлигини эрта баҳолаш, касаллик кечиши ва клиник-динамик хусусиятларини ўз вақтида аниқлаш, шу билан биргаликда хавф омилларини коррекция қилишга асосланган эрта аниқлаш ва самарали даволаш бўйича дастур йиғиндиси тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва натижаларнинг ишончлилиги, шунингдек фобик хавотирли бузилишлар аниқланган болалар ва ўсмирларга бирламчи тиббий ёрдамни такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда фобик хавотирли

бузилишларнинг клиник-психологик хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни очиб бериш, кейинчалик ушбу хусусиятларнинг ижтимоий, биологик ҳамда психологик омиллар билан корреляцияси қонуниятлари ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, ҳамда фобик хавотирли бузилишларнинг сурункали кечиши хавфини аниқлашга қаратилган скринингни асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болаларда фобик хавотирли бузилишларни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини муқобиллаштириш, шунингдек скрининг тадбирларини ташкил этишни такомиллаштириш, касалликнинг сурункали кечишининг олдини олиш, даволаш-профилактика ёрдамидан яхшилаш ҳамда амбулатор ва стационар шароитда умум тиббиёт муассасаларида тиббий-профилактик хизмат сифати ва самарадорлигини оширишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Болалик даврида фобик хавотирли бузилишларининг ривожланишига таъсир этувчи клиник ва ижтимоий омиллар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: болаларнинг ота-оналари ва яқин қариндошлари билан қониқарсиз муносабатларнинг яққоллиги, катталардан қўллаб қуватлашнинг етишмаслиги ва муаммолардан қочиш хулқининг устунлиги болалик давридаги фобик хавотирли бузилишларнинг ривожланиши билан боғлиқлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2026 йил 28 апрелда №04- 25/560-т сон билан тасдиқланган «Методика ведения детей с тревожно-фобическими расстройствами» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика болалар психоневрология шифохонаси 09.06.2025 йилда №51/2-сонли ҳамда Тошкент вилояти 1-сон руҳий касалликлар шифохонаси 02.07.2025 йилда №44-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 25 октябрда №27/29-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* болалар ва ўсмирлар хавотирли бузилишларнинг соматик белгиларига шикоят қилган ҳолда ота-она ва яқин қариндошлари билан ўзаро муносабатларнинг сифтини текшириш, хавф омиллари аниқланса скрининг қилиш орқали фобик хавотир бузилишлари бўлган болаларни эрта аниқлаш ёрдамида имкон қадар қисқа муддатда самарали коррекция қилишга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* фобик хавотирли бузилишлари бўлган болаларни эрта ташхислаш бемор стационар даволаниш муддатини қисқартиради, тўғридан-тўғри тиббий харажатлар 2429000 сумдан 1922000 сўмга қисқартирилди. Касалликнинг оғирлик даражасига ўзаро боғлиқлик ижтимоий омилларнинг прогностик аҳамиятга молик индикатор параметрлари аниқланиб, битта бемор учун 507000 сўмни тежаш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: болалардаги юқори нейротизм ва холерик темпераменти, оилавий тарбиянинг гиперпротектив турлари билан биргаликда фобик хавотирли бузилишлар ривожланиши билан боғлиқлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси

мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2026 йил 28 апрелда №04- 25/560-т сон билан тасдиқланган «Методика ведения детей с тревожно-фобическими расстройствами» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика болалар психоневрология шифохонаси 09.06.2025 йилда №51/2-сонли ҳамда Тошкент вилояти 1-сон руҳий касалликлар шифохонаси 02.07.2025 йилда №44-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 25 октябрда №27/29-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* боланинг преморбид шахсий хусусиятлари (юқори нейротизм, холерик) ҳамда оилавий тарбиянинг дисгармонал турларини комплекс ҳисобга олган ҳолда хавф гуруҳини ажратиш ва оилага йўналтирилган мақсадли коррекцион чораларни қўллаш касалликни эрта аниқлаш ва қата мурожаат қилишини камайтирган, ва мактабдаги мослашуви ва ўқиш фаолиятининг эрта тикланишига олиб келган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мурожаат қилган болаларда хавф гуруҳини ажратиш ва оилага йўналтирилган мақсадли коррекцион чораларни қўллаш касалликни эрта аниқлаш ва қата мурожаат қилишининг камайиши натижасида бевосита тиббий харажатлар сарфида 2025 йилда Тошкент шаҳрида 16344000 сўмдан 2024 йилга нисбатан 12456000 сўмга камайган, Янгийўл шаҳрида эса 2024 йилда 22008000 сўмдан 2025 йилдаги 7962000 сўмгача тежаш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: болаларнинг преморбид хусусиятлари, оила ва мактаб хавф омилларининг мавжудлиги, ҳамда ижтимоий ҳолатини таҳлил қилиш асосида касалликнинг сурункали кечиш хавфини табақалаштириш мумкинлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2026 йил 28 апрелда №04- 25/560-т сон билан тасдиқланган «Методика ведения детей с тревожно-фобическими расстройствами» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика болалар психоневрология шифохонаси 09.06.2025 йилда №51/2-сонли ҳамда Тошкент вилояти 1-сон руҳий касалликлар шифохонаси 02.07.2025 йилда №44-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 25 октябрда №27/29-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* болаларнинг преморбид хусусиятлари, оила ва мактаб хавф омилларининг мавжудлиги, ҳамда ижтимоий ҳолатини таҳлил қилиш асосида касалликнинг сурункали кечиш хавфини табақалаштириш натижасида соғлиқни сақлаш тизими юқини камайтиришга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* касалликнинг сурункали кечиш хавфини табақалаштириш соғлиқни сақлаш тизими ресурсларини манзилли сарфлашга олиб келдган, ва Тошкент шаҳрида 2024 йилда битта бемор учун 470000 сўмдан 2025 йилда 131600 сўм ташкил этганлиги 72 % харажатларни тежаш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: болаларда хавотирли фобик бузилишларни эрта аниқлашда клиник-ижтимоий, хулқ-атвор скрининги ва аниқланган динамик аҳамиятга эга омилларни бартараф этиш ёрдамида касалликнинг сурункали

кечишининг олдини олишга қаратилган даволаш алгоритми такомиллаштирилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2026 йил 28 апрелда №04- 25/560-т сон билан тасдиқланган «Методика ведения детей с тревожно-фобическими расстройствами» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика болалар психоневрология шифохонаси 09.06.2025 йилда №51/2-сонли ҳамда Тошкент вилояти 1-сон рухий касалликлар шифохонаси 02.07.2025 йилда №44-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 25 октябрда №27/29-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* эрта аниқлашда клиник-ижтимоий, хулқ-атвор скрининги ва аниқланган динамик аҳамиятга эга омилларни бартараф этиш орқали болаларни даволаш ва профилактика қилишининг комплекс алгоритмини такомиллаштириш асосида 2024 йил касалланиш даражаси 380000 сўмдан 2025 йил касалланиш даражаси 190000 сумга камайишига эришилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* қўлланилган эрта ташхислаш ва даволаш алгоритмини такомиллаштириш болаларда фобик хавотирли бузилишлар бевосита тиббий харажатлар сарфи 174000 сўмга камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та маҳаллий анжуманларда маъруза қилинди ва муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижасини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертациянинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий натижалар баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда фобик хавотир бузилишлари ривожланишининг клиник-ижтимоий омиллари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида болаларда хавотир бузилишлари ривожланишининг этиологияси, биологик ва психоижтимоий хавф омиллари масалаларига бағишланган замонавий маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили келтирилган. Генетик ва нейробиологик жиҳатлар, шахсий хусусиятлар, оила,

тарбия ва ота-оналар хавотирининг роли кўриб чиқилган. Хавотир белгиларининг психофизиологик механизмлари, хулқ-атвор моделлари ва авлодлараро ўтишининг таъсирига алоҳида эътибор қаратилган. Кўп маълумотларга қарамай, биологик ва ижтимоий омилларнинг аниқ ўзаро таъсири, шунингдек, фобик хавотир бузилишларининг барқарорлиги ва сурункали кечиши механизмлари масалалари очиқ қолмоқда, бу эса ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотларнинг долзарблигини белгилайди.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида текширилган болаларнинг умумий тавсифи, тадқиқот дизайни, материаллари ва усуллари, шунингдек, тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш усуллари батафсил баён этилган. Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 178 нафар болалар текширилди. Болаларни тадқиқотга киритиш ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг хабардор қилинган розилиги асосида тасодифий танлов орқали амалга оширилди. Барча болалар 2 гуруҳга тақсимланди: 1-гуруҳ – асосий гуруҳ, психоневрология марказида кузатувда бўлган фобик хавотир бузилиши ташхиси қўйилган ($n=127$) - 71,3%; назорат гуруҳи – фобик хавотирли бузилиш ташхиси қўйилмаган, жинси, ёши, ижтимоий – демографик кўрсаткичлари бўйича мос келувчи, туман поликлиникасига мурожаат қилган болалар ($n=51$) - 28,7%.

Тадқиқот материалларини йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёнида клиник-анамнестик, клиник-катамнестик, клиник-психопатологик усуллардан фойдаланилган. Экспериментал-психологик усуллар текширилувчиларнинг хавотир даражасини (Спенс хавотирли бузилишлар шкаласи (Spence Children's Anxiety Scale, SCAS), шахс хусусиятларини (Айзенк шкаласи болалар шакли), ойладаги муносабатлар ва тарбия чораларининг турини (Эйдемиллер, Юстицкис бўйича Ойладаги муносабатлар тахлили шкаласи), мактабдаги буллинг ҳолатини (Олевеус буллинг шкаласи (Revised Olweus Bully/Victim Questionnaire) ёрдамида ўрганишни ўз ичига олди.

Олинган маълумотлар Statistica version 13 (TIBCO Software Inc.2018) статистик дастурий пакети ёрдамида қайта ишланди. Фобик хавотирли бузилишларнинг шаклланиш хавфига клиник, психологик ва ижтимоий-демографик омилларнинг таъсирини баҳолаш учун бинар натижалар учун логистик регрессия қўлланилди. Тадқиқотда танланма ҳажмининг чекланган ва кам учрайдиган белгилар тоифалари билан боғлиқ бўлган баҳолашнинг беқарорлигида, шу жумладан маълумотларнинг квази-ажралиши мавжуд бўлганда, Фирт тузатиши билан логистик регрессиядан фойдаланилди. Натижалар 95% ишонч оралиқлари билан имкониятлар нисбати кўринишида тақдим этилган; статистик аҳамиятлилик даражаси $p<0,05$ га тенг деб қабул қилинган. Тадқиқот лонгитюд дизайнида амалга оширилди ва 12 ой давомида тўртта текширув босқичини ўз ичига олди (Т0-Т3). Такрорий текширувлар фобик хавотир бузилишлари бўлган болаларнинг асосий гуруҳида ($n=127$) клиник-психопатологик ва психометрик усулларнинг бирлаштирилган мажмуасидан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Назорат гуруҳи меъёрий кўрсаткичларни аниқлаш учун бир марта текширилди. Асосий гуруҳдаги барча

болалар ёши ва ҳолатнинг клиник оғирлигини ҳисобга олган ҳолда индивидуал равишда буюрилган комплекс терапияни олди. Ноотроп терапия сифатида 8 ёшдан катта болаларга фенибут 250 мг дозада кунига 1-3 марта (симптомларнинг оғирлигига қараб) 1 ой давомида буюрилди. Кўрсатмалар мавжуд бўлганда, кунига 25-50 мг дозада сертралин билан терапия ўтказилди, курс 6 ойгача давом этди. Психокоррексион ишлар когнитив-хулқ-атвор терапияси шаклида амалга оширилди (хафтасига 1 марта 60 дақиқалик 16 сеанс). Бундай босқичма-босқич ёндашув комплекслик ва ишончилиликни таъминлади, олинган натижаларнинг ишончилигини оширди ва фобик хавотирли болаларга ёрдам кўрсатишни оптималлаштириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш учун асос бўлди.

Диссертациянинг «**Болалардаги фобик хавотирланиш бузилишларининг клиник симптоматикаси структураси**» номли учинчи бобида асосий гуруҳнинг дастлабки текшируви маълумотларига кўра болаларда фобик хавотирли бузилишлар (ФХБ) клиникаси тавсифланган.

1-жадвал

**Хавотирликнинг жисмоний белгилари: асосий гуруҳ
ичидаги ёшга оид фарқлар**

Белгилар	6–9 ёш, абс./n (%)	10–14 ёш, абс./n (%)	χ^2	p	Крамер В	RR (6–9 / 10–14)
Уйқу бузилиши	36/47 (76,6%)	47/80 (58,8%)	3,41	0,065	0,16	1,30
Қоринда оғриқ	33/47 (70,2%)	46/80 (57,5%)	1,53	0,216	0,11	1,22
Бош оғриғи	23/47 (48,9%)	48/80 (60,0%)	1,06	0,304	0,09	0,82
Бош айланиши	15/47 (31,9%)	37/80 (46,2%)	1,96	0,162	0,12	0,69
Терлаш	13/47 (27,7%)	33/80 (41,2%)	1,82	0,178	0,12	0,67
Мушакларда оғриқ	12/47 (25,5%)	24/80 (30,0%)	0,11	0,737	0,03	0,85

Ёш билан боғлиқ равишда психовегетатив шикоятларнинг тарқалиши ва ўзига хослиги баҳоланди ва кичик ёшдаги болалар орасида энг кўп учрайдиган соматик кўриниш уйқу бузилиши эканлиги аниқланди - 76,6% катта гуруҳдаги 58,8% га нисбатан, статистик аҳамиятлилигининг чегараланган даражаси билан ($\chi^2=3,41$; $p=0,065$; Cramer's $V=0,16$) (1-жадвал). Бошқа соматик белгилар (қорин оғриғи, бош оғриғи, бош айланиши, терлаш, мушак оғриғи) турли даражада кузатилди, аммо ёш гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқлар аниқланмади ($p>0,05$). Шундай бўлса-да, нисбий хавф (RR) ҳисоб-китоби баъзи ёш хусусиятларини кўрсатди: кичик ёшдаги болалар кўпроқ қорин оғриғи (RR=1,22) ва уйқу бузилишидан (RR=1,30) шикоят қилишган, бош

оғриғи ва бош айланиши эса катта ёшдаги болаларда устунлик қилган. **Фобик хавотирли бузилишларга эга болаларнинг хулқ-атвор хусусиятлари** таҳлил қилинди. Кичик (6-9 ёш) ва катта (10-14 ёш) ёш гуруҳларида мактабга боришдан бош тортиш ва хулқ-атвор муаммолари частотаси бир-бирига ўхшаш эканлиги аниқланди ($p > 0,57$). Бу эса ёшнинг эмас, балки хавотирли бузилишнинг ўзининг етакчи ролини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

Хулқ-атвор хусусиятлари: асосий гуруҳ ичида ёшга оид таққослашлар

Кўрсаткич	6-9 ёш, мут./н (%)	10-14 ёш, мут./н (%)	χ^2	p	Крамер В	RR (6-9 /10-14)
Мактабга боришдан бош тортиш	22/47 (46,8%)	32/80 (40,0%)	0,32	0,573	0,05	1,17
Мактабдаги хулқ-атвор муаммолари	24/47 (51,1%)	38/80 (47,5%)	0,04	0,838	0,02	1,08

Изоҳлар: χ^2 - Пирсоннинг мувофиқлик мезони; Kramer V - таъсир ўлчови (кичик таъсир $\approx 0,10-0,20$). RR - хавф нисбати; $RR > 1$ белгининг 6-9 ёшда 10-14 ёшга нисбатан кўпроқ учрашини кўрсатади.

3-жадвалда болалардаги фобик хавотирли бузилишларнинг аффектив-когнитив аломатлари таҳлили натижалари келтирилган. Ўсмирлар субъектив безовталиқни сезиларли даражада кўпроқ ифодалаш аниқланди: 10–14 ёш гуруҳида 60,0%, 6–9 ёш гуруҳида эса 34,0% ($p = 0,008$). Бу ички кечинмаларни англаш ва ифодалаш қобилиятининг ёшга боғлиқ ўсишини акс эттиради.

3-жадвал

Аффектив-когнитив шикоятлар: субъектив безовталиқ бўйича ёш фарқлари

Кўрсаткич	6–9 ёш, абс./н (%)	10–14 ёш, абс./н (%)	χ^2	p	Крамер В	RR (6–9 / 10–14)
Субъектив безовталиқ (мавжудлиги)	16/47 (34,0%)	48/80 (60,0%)	6,98	0,008	0,23	0,57

Изоҳлар: χ^2 — Пирсон мезони; Крамер В — таъсир даражаси (кичик таъсир $\approx 0,10-0,20$). RR — хавф нисбати; $RR > 1$ белгининг 6–9 ёшда кўпроқ учрашини билдиради.

Спенс шкаласи ёрдамида ўтказилган психометрик таҳлил ўсмирларда хавотир белгиларининг юқори даражада намоён бўлишини тасдиқлади (умумий Т-балл: $83,7 \pm 5,0$ га нисбатан $79,7 \pm 4,6$; $p < 0,001$; $d = 0,83$) (4-жадвал). Паника/агорафобия ($p = 0,024$) ва умумлашган хавотир ($p = 0,028$) субшкалалари бўйича сезиларли фарқлар аниқланди, ижтимоий, ажралиш ва соматик субшкалалар бўйича кўрсаткичлар эса фарқ қилмади.

4-жадвал

**Бошланғич ташриф чоғида Спенс шкаласи натижалари профили:
ёш гуруҳларини таққослаш**

Кўрсаткич	6–9 ёш, M±Sd(n)	10–14 ёш, M±Sd (n)	t (Уэлч)	p	Коэн d
ССАС: умумий Т-балл	79,70±4,55 (n=47)	83,70±4,99 (n=80)	-4,61	<0,001	0,83
ССАС: ижтимоий фобия	14,96±2,16 (n=47)	15,39±1,94 (n=80)	-1,13	0,263	0,21
SCAS: ваҳима ва агорафобия	14,43±1,95 (n=47)	15,26±2,03 (n=80)	-2,30	0,024	0,42
SCAS: ажралиш хавотири	14,70±3,01 (n=47)	15,14±2,12 (n=80)	-0,87	0,386	0,18
SCAS: жисмоний зарар кўркуви	14,96±2,57 (n=47)	15,16±2,23 (n=80)	-0,46	0,650	0,09
SCAS: умумлашган хавотирланиш	2,28±0,90 (n=47)	2,65±0,93 (n=80)	-2,23	0,028	0,41
SCAS: обсессив-компульсив симптомлар	2,17±0,94 (n=47)	2,44±1,02 (n=80)	-1,50	0,136	0,27

Изоҳлар: t (Уэлч) - мустақил танланмалар учун Уэлчнинг t-тести; Коён d - таъсирнинг стандартлаштирилган ўлчами (0,2 - кичик; 0,5 - ўртача; 0,8 - катта).

Асосий гуруҳ болаларида фобик хавотирли бузилишларнинг диагностик спектри ва кўрқувларнинг мазмуни тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинди. Энг кўп учрайдиган ташхис F93.1 - болалик давридаги фобик хавотир бузилиши (31,7%) бўлиб, ундан кейин ўзига хос фобиялар (F40.2 - 23,8%) ва ижтимоий фобия (F40.1 - 15,1%) кузатилди. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда F93 гуруҳидаги бузилишлар кўпроқ қайд этилган бўлса, ўсмирларда эса F40 гуруҳидаги бузилишлар устунлик қилган, бу хавотир аломатларининг ёш бўйича ривожланишига мос келади.

5-жадвал

ХКТ-10 бўйича диагностик спектр (асосий гуруҳ, n=127)

Ташхис	6–9 ёш	10–14 ёш	% 6–9 ёш	% 10–14 ёш	p	Крамер V
Болалик давридаги фобик хавотир бузилиши	18	27	38.300	33.800	0.745	0.029
Специфик фобиялар	18	19	38.300	23.800	0.124	0.137
Ижтимоий фобиялар	1	18	2.100	22.500	0.004	0.253
Сиблинг рақобатининг бузилиши	7	7	14.900	8.800	0.439	0.069
Агорафобия	1	6	2.100	7.500	0.380	0.078
Фобик хавотир бузилиши, аниқланмаган	0	3	0.000	3.800	0.460	0.066
Айрилиқ туфайли хавотирли бузилиш	1	0	2.100	0.000	0.787	0.024
Болалик давридаги ижтимоий хатарли бузилиш	1	0	2.100	0.000	0.787	0.024

Кўрқувлар мазмунига кўра кундалик ҳаётдаги аниқ кўрқувлар (34,6%) ва ижтимоий кўрқувлар (29,9%) устунлик қилган, кейин табиий муҳит кўрқувлари (19,7%) ва зоофобиялар (15,8%) келган. Кичик ёшдагиларда қоронғилик, ёлғизлик ва ҳайвонлардан кўрқиш, ўсмирларда эса ижтимоий баҳоланиш ва жамоат жойларидаги вазиятлардан хавотирланиш устувор бўлган. Ёшидан қатъи назар, кўрқувлар яққол ифодаланган соматик белгилар (уйқу бузилиши, қорин ва бош оғриғи шикоятлари, вегетатив реакциялар) билан кечган. Бу эса психопатологик мезонлар бўйича ҳам, жисмоний кўрсаткичлар бўйича ҳам комплекс баҳолашни талаб этади. Олинган маълумотлар ёш, кўрқув мазмуни ва хавотирнинг жисмоний ифодаланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда клиник жиҳатдан мос ёрдам йўналишларини ишлаб чиқиш учун муҳимдир.

Диссертациянинг тўртинчи бобида болаларда фобик хавотирли бузилишлар ривожланиши ва динамикасига таъсир этувчи омиллар кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг биологик, психологик ва ижтимоий жиҳатлари таҳлил қилинган. Предикторларнинг алоҳида гуруҳлари даражасида босқичма-босқич таҳлил ўтказилиб, уларнинг нисбий аҳамиятини баҳолаш имконини берувчи яхлит хавф модели тузилган.

6-жадвал

Конституциявий-биологик омиллар (асосий ва назорат гуруҳлари)

Кўрсаткич	Тавсиф	ЭН	95% ИИ	p
Туғриқ муддати	Ўз вақтида (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	Муддатидан ўтиб	1,01	0,17–5,94	0,991
	Муддатидан олдин	1,12	0,34–3,51	0,845
Ҳомиладорлик даврида ўтказилган ОРВИ	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	1,07	0,54–2,10	0,845
Туғриқ усули	Табиий (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	Кесарча кесиш	1,20	0,56–2,58	0,644
Прееклампсия	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	1,28	0,14–11,57	0,821

Изоҳлар: ЭН – эҳтимоллар нисбати, ИИ - ишонч интервали

Ҳомиладорлик ва туғруқ параметрларини (туғруқ муддати, ҳомиладорлик пайтидаги ЎРВИ, прееклампсия, туғруқ усули) таҳлил қилиш натижасида уларнинг микроижтимоий муҳит омилларига нисбатан етакчи аҳамиятга эга эмаслиги аниқланди. Шундай бўлса-да, клиник гуруҳга мансуб болаларнинг бир қисмида ҳомиладорлик ва туғруқнинг айрим ноқулай ҳолатлари кузатилганлиги маълум бўлди (6-жадвал).

Руҳий ва неврологик касалликлар (жумладан, хавотирли бузилишлар) билан ирсий боғлиқлик бир қатор ҳолларда фобик хавотирли бузилиш билан оғриган болаларда кузатилган (7-жадвал).

Ирсий мойиллик: унивариант логистик регрессия

Кўрсаткич	Тавсиф	ЭН	95% ИИ	р
Наслида психопатия	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	1,94	0,74–5,06	0,177
Наслида алкоголизм	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	1,00	0,18–5,54	1,000
Наслида наркомания	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	0,61	0,10–3,57	0,588
Наслида эпилепсия	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	6,68	0,37–120,46	0,196
Наслида биполяр аффектив бузилиш	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	7,13	0,39–128,54	0,182
Наслида шизофрения	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	1,21	0,05–31,57	0,903
Наслида хавотирли бузилишлар	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	13,34	0,77–230,47	0,074

Шу билан бирга, омилларни биргаликда баҳолашда ирсий замин гуруҳлар ўртасидаги фарқларни оилавий муносабатлар ва боланинг ижтимоий фаолияти хусусиятлари каби даражада тушунтира олмади. Бу ирсий мойиллик асосан ҳиссий бошқарув хусусиятлари ва психоижтимоий таъсирларга таъсирчанлик орқали намоён бўлади деган ғояга мос келади.

Психологик омиллар таҳлили Психологик блок Айзенк бўйича темперамент ва шахсиятни, шунингдек психотравматик кечинмаларни (жумладан, жавобсиз севгини) ўз ичига олган. Клиник гуруҳдаги болаларда кўпинча фобик хавотирли бузилишга мос келадиган ҳиссий беқарорлик ва хавотирли эҳтиёткорлик кузатилган (7-жадвал). Нейротизм ички зўриқишга ва кечинмаларга боғланиб қолишга мойилликни акс эттириб, ноқулай шароитларда фобик реакцияларнинг шаклланишини осонлаштиради. Психотравматик кечинмалар клиник гуруҳда кўпроқ учраб, моил бўлган шахсларда хавотир ва ижтимоий ишончсизликни кучайтирган (7-жадвал).

8-жадвал

**Оилавий муносабатлар ва аҳамиятли оилавий ҳодисалар:
унивариант логистик регрессия**

Кўрсаткич	Тавсиф	ЭН	95% ИИ	р
Онаси билан қийин муносабат	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	10,36	4,80–22,34	<0,001
Отаси билан қийин муносабат	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	20,00	6,83–58,56	<0,001
Опа-сингил, ака-укалар билан қийин муносабат	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	23,39	3,10–176,41	0,002
Оила аъзоларининг ўлими	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	12,98	3,01–55,96	<0,001

Изоҳ: "ота билан қийин муносабат," "опа-сингил, ака-ука билан қийин муносабат," "оила аъзоларининг ўлими" учун ҳисоблаш Фиртнинг тузатишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Шунингдек, **ижтимоий омиллар таҳлили ўтказилди** ва натижалар 8 ва 9-жадвалларда кўрсатилган. Хавотирли-фобик симптомларнинг шаклланишида оилавий муҳит ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ота-оналар (она ва ота) билан кескин ёки низоли муносабатлар энг муҳим омил бўлиб, бу клиник гуруҳга хос хусусият сифатида намоён бўлди ва омилларни биргаликда баҳолашда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади (8-жадвал). Клиник жиҳатдан бу химояланганлик ҳиссининг пасайиши, катталарга таянишнинг етишмаслиги, кўркувлардан қочиш ва уларга маҳкам ёпишишнинг кучайиши билан ифодаланди. Муҳим оилавий стресс омилларига ФХБ мавжудлиги билан боғлиқ бўлган яқинларни йўқотиш ҳам киради (8-жадвал). Бу ҳолат қўллаб-қувватлашнинг етишмаслиги шароитида узоқ муддатли ташвиш ва соматизатсия билан кечади. АСВ бўйича клиник гуруҳда кўпинча назорат ва қўллаб-қувватлаш ўртасидаги номутаносибликни акс эттирувчи ҳамда хавотирли-қочувчи хулқ-атвор ва мустақилликнинг пасайишига олиб келадиган ноқулай тарбия услублари (гиперпротекция, Ҳиссий инкор қилиш) кузатилди (9-жадвал).

9-жадвал

Оилавий муносабатларни таҳлил қилиш шкаласи бўйича тарбия тури (АСВ): унивариант логистик регрессия

Кўрсаткич	Тавсиф	ЭН	95% ИИ	р
Тарбия усули (АСВ)	Мувозанатлашган (уйғун) тип (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	Гиперпротекция	4,49	1,86–10,82	0,001
	Эркалатувчи (хамма нарсага рухсат берувчи) гиперпротекция	4,90	1,03–23,30	0,046
	Доминант (хукмрон) гиперпротекция	8,98	1,13–71,26	0,038
	Гипопротекция	2,38	0,12–47,44	0,561
	Ҳиссий инкор қилиш	3,40	0,18–64,46	0,413
	Ортиқча ахлоқий масъулият	2,39	0,12–48,55	0,561

Изоҳ: кам учрайдиган тоифалар учун Фирт тузатиши қўлланилган.

Бошқа оилавий вазиятлар (ота-онанинг ажрашиши, ота-онадан узоқда яшаш, иқтисодий қийинчиликлар) ноқулайлик омиллари сифатида кўриб чиқилди, чунки улар хавотирли ҳолатни кучайтириши ва мослашиш имкониятларини пасайтириши мумкин (10-жадвал). Уларнинг аҳамиятини оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар хусусиятлари ва тарбия услуби билан биргаликда таҳлил қилиш лозим.

10-жадвал

Бошқа оилавий ва ижтимоий шароитлар: унивариант логистик регрессия

Кўрсаткич	Тавсиф	ЭН	95% ИИ	р
Ота-онасининг ажрашиши	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	1,00	0,45–2,20	0,996
Ота-онадан узоқда яшаш	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	4,44	0,23–85,82	0,333
Иқтисодий қийинчиликлар	йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	бор	2,90	0,35–23,92	0,326

ФХБ тенгдошлар билан мулоқотнинг бузилиши билан боғлиқлиги аниқланди: дўстликдан қоникмаслик ва айниқса ижтимоий изоляция клиник гуруҳда кўпроқ кузатилди ва ўз аҳамиятини сақлаб қолди (11-жадвал). Синфдаги салбий муносабатлар ва Олвеус шкаласи бўйича буллинг (оғзаки, ижтимоий, кибер ва жисмоний) мактаб муҳитининг шикастланишини акс эттирди ҳамда хавотирланиш, қочиш ва мулоқот кўникмаларининг етишмаслигини қўллаб-қувватлади (11-жадвал).

11-жадвал

Мактаб-ижтимоий омиллар ва буллинг: унивариант логистик регрессия

Кўрсаткич	Тавсиф	ЭН	95% ИИ	p
Дўстлар билан муносабатлар	Дўстона (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	Нейтрал	15,81	3,38–73,86	0,001
	Таранг	128,46	7,71–2140,29	<0,001
	Дўстлари йўқ	144,90	8,70–2414,55	<0,001
Синфдошлари билан муносабатлар	Дўстона (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	Нейтрал	0,65	0,25–1,70	0,382
	Таранг	10,30	3,02–35,12	<0,001
Олвеус: Жабрланувчи	Йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	Бор	1,38	0,60–3,16	0,452
Олвеус: Агрессор	Йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	Бор	4,27	0,53–34,31	0,167
Олвеус: Гувоҳ	Йўқ (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	Бор	1,71	0,90–3,25	0,102
Буллингга нисбатан муносабат	Салбий (<i>таянч</i>)	1,00	—	—
	Нейтрал	1,00	0,36–2,78	0,995
	Ижобий	2,48	0,27–22,65	0,418
